

УЎТ: 634.13

**ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ «МАФТУНА» НОК ДУРАГАЙ НАВИНИНГ АСОСИЙ
ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Абдуллаева Хилола Равшановна

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-
тадқиқот институти

Ташбоев Шухрат Турсунович

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-
тадқиқот институти

Мустақил изланувчи

toshboyevshuxrat673@gmail.com

+998998705307

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.21158043>

Аннотация. Мақолада янги яратилган ва истиқболли ҳисобланган «Мафтуна» дурагай нок навининг асосий хўжалик-биологик кўрсаткичлари, ушбу навни олишда иштирок этган бошланғич ота-она шакллари («Вильямс» ва «Лесная красавица») ҳамда андоза нав «Любимица Клаппа» билан қиёсий равишда ўрганилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Аннотация. В статье представлены результаты исследований, в которых изучены основные хозяйственно-биологические показатели нового перспективного гибридного сорта груши «Мафтуна» в сравнении с исходными родительскими формами («Вильямс» и «Лесная красавица»), участвовавшими в его создании, а также с контрольным (эталонным) сортом «Любимица Клаппа».

Abstract. The article presents the research results on the main economic and biological characteristics of the newly developed and promising hybrid pear variety "Maftuna", studied in comparison with its original parental forms ("Williams" and "Forest Beauty") used in its breeding, as well as the standard variety "Clapp's Favorite".

Калит сўзлар: Нок, дурагай, «Мафтуна», ҳосилдорлик, мева вазни, пишиб етилиш муддати, транспортбоплик, ота-она шакллари, андоза нав,

Ключевые слова: Груша, гибрид, «Мафтуна», урожайность, вес плода, срок созревания, транспортабельность, родительские формы, контрольный сорт (сорт-эталон).

Keywords: Pear, hybrid, "Maftuna", yield (productivity), fruit weight, ripening period, transportability, parental forms, standard variety.

Республикамизда мевачиликни ривожлантириш, ички ва ташқи бозорларни сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар билан барқарор таъминлашда маҳаллий иқлим шароитларига мос, юқори ҳосилдор ва тижорат аҳамиятига эга бўлган янги навларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, нок етиштиришда мева пишиш муддатларининг узайтирилиши, бозорда маҳсулот тақчиллиги кузатиладиган даврларни сифатли мева билан тўлдириш долзарб аҳамият касб этмоқда (3).

Ушбу йўналишда олиб борилган селекцион тадқиқотларимизда янги яратилган ва истиқболли ҳисобланган «Мафтуна» номли дурагай нок навининг асосий хўжалик-биологик кўрсаткичлари, ушбу навни олишда иштирок этган бошланғич ота-она шакллари («Вильямс» ва «Лесная красавица») ҳамда андоза (назорат) нав ҳисобланган «Любимица Клаппа» нави билан қиёсий равишда чуқур ўрганилди (2,4).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон фармони ижросини таъминлаш, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга мос экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинларини яратиш вазифалари белгиланган (1).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, меваларнинг пишиб етилиш муддати бўйича намуналар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Назорат варианты бўлиб «Любимица Клаппа» ва оналик шакли ҳисобланган «Вильямс» навида меваларнинг пишиши асосан август ойига (кеч кузги даврга) тўғри келган бўлса, оталик шакли («Лесная красавица») анча эрта, яъни июл ойида (ёзги нав сифатида) пишиб етилиши кузатилди. Янги яратилган «Мафтуна» дурагай нави эса август ойининг охирида пишиб етилиб, кузги навлар гуруҳига кириши ва бозорда сифатли мева тақчиллиги кузатиладиган даврни тўлдириши билан ажралиб туради (5,7).

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги ва янги турдаги касалликларнинг пайдо бўлиши соҳа олдида кечиктириб бўлмас вазифаларни қўймоқда. Шу боис, маҳаллий ва хорижий генетик ресурслардан фойдаланган ҳолда нокнинг янги, интенсив типдаги навларини яратиш стратегик аҳамиятга эга. Селекция ишларини такомиллаштириш орқали боғларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва аҳолини йил давомида сархил мева билан таъминлаш боғдорчилик илмининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда (6).

Материаллар ва услублар.Тадқиқотларда нок навларини ўрганиш академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилди. Навларни ўсиб ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” (Орел-1999) услуби бўйича олиб борилди.

Фенология – йил вақтига боғлиқ равишда ўсимликларнинг мавсумий ривожланиши тўғрисидаги билимлар тизими.

Мевали ўсимликларда қуйидаги фенофазалар ўрганилади: куртакларнинг ёзила бошлаш санаси, яъни вегетациянинг бошланиши, гуллашнинг бошланиши ва тугаши, новдалар ўсишининг тугаши, меваларнинг пишиш санаси, хазонрезгиликнинг бошланиши ва тугаши (вегетациянинг тугаши). Куртакларнинг ёзила бошлаши ва меваларнинг пишиш муддати кун ора, гуллаш муддати – ҳар куни, хазонрезгиликнинг бошланиши ва тугаши ҳар беш кунда бир марта ўрганилади.

Кузатувлар учун учта типик дарахт танлаб олинади, уларда тадқиқотнинг барча йиллари мобайнида кузатув олиб борилади.

Тадқиқот ишлари танлаб олинган тўртта турли генетик келиб чиқишга эга бўлган нок намуналарида олиб борилди.

Любимица Клаппа андоза нави сифатида танлаб олинди. Вильямс жаҳон бозорида юқори баҳоланувчи, мазкур тадқиқотда оналик шакли сифатида олинган нав. Лесная красавица нави эса чидамлили ва маҳсулдорлик белгиларига кўра оталик шакли сифатида танланган. № 39-23 дурагайи эса янги нав намунаси сифатида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқотларимизда янги яратилган ва истиқболли ҳисобланган «Мафтуна» номли дурагай нок навининг асосий хўжалик-биологик кўрсаткичлари, ушбу навни олишда иштирок этган бошланғич ота-она шакллари («Вилямс» ва «Лесная красавица») ҳамда андоза (назорат) нав ҳисобланган «Любимица Клаппа» нави билан қиёсий равишда ўрганилди.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, меваларнинг пишиб етилиш муддати бўйича намуналар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Назорат варианты бўлмиш «Любимица Клаппа» ва оналик шакли ҳисобланган «Вилямс» навида меваларнинг пишиши асосан август ойига (кеч кузги даврга) тўғри келган бўлса, оталик шакли («Лесная красавица») анча эрта, яъни июл ойида (ёзги нав сифатида) пишиб етилиши кузатилди. Янги яратилган «Мафтуна» дурагай нави эса август ойининг охирида пишиб етилиб, кузги навлар гуруҳига кириши ва бозорда сифатли мева тақчиллиги кузатиладиган даврни тўлдириши билан ажралиб туради.

Янги селекция намунасининг энг муҳим афзалликларидан бири унинг йирик мевалилигидир. Тадқиқотда «Любимица Клаппа» навининг мева вазни 150 г, «Вилямс»да 140 г ва «Лесная красавица»да 125 г ни ташкил этган бўлса, «Мафтуна» дурагайида бу кўрсаткич энг юқори натижани - 200 г ни қайд этди. Мева вазнининг йириклиги бевосита ҳосилдорлик динамикасига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Бир типдаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, назорат навида 25,6, «Вилямс» навида 27,7 ва «Лесная красавица» навида 45,6 бирликни ташкил этган бўлса, янги «Мафтуна» навида бу кўрсаткич 50 бирликка етди. Бу эса ушбу дурагайнинг барқарор ва бир текис ҳосил бериш хусусияти юқори эканлиги аниқланди.

Умумий ялпи ҳосилдорлик бўйича ҳам янги нав ўзининг юқори эканлиги аниқландиб. Андоза навнинг ҳосилдорлиги гектарида 128,3 центнерни, «Вилямс» навида 138,9 ц/га ва «Лесная красавица» навида 228,3 ц/га ни ташкил этган бир пайтда, янги «Мафтуна» дурагай навидан гектарида 250 центнер ҳосил олинди. Бу назорат навига нисбатан ҳосилдорликнинг деярли икки баробарга ортганлигини кўрсатади.

Мева етиштиришда уларни сифатли сақлаш ва узоқ масофаларга ташиш (транспортбоплик) хусусияти муҳим тижорат аҳамиятига эга. Тадқиқот натижаларига кўра, «Любимица Клаппа» ва «Лесная красавица» навларининг транспортга чидамлилиги паст, «Вилямс» навиники эса ўртача даражада эканлиги аниқланди. Янги «Мафтуна» дурагай нави эса ушбу кўрсаткич бўйича юқори чидамлилика эга бўлиб, маҳсулотни нобудгарчиликсиз узоқ масофадаги бозорларга етказиб бериш ва сотиш имкониятини кенгайтиради.

Янги яратилган «Мафтуна» нок дурагайи ўзининг йирик мевалилиги (200 г), юқори ҳосилдорлиги (250 ц/га) ва транспортга чидамлилигининг юқорилиги билан назорат ва ота-она шаклларида тубдан устунлиги аниқланди.

1-жадвал.

Нок нав ва дурагайларининг асосий хўжалик-биологик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Любимица клаппа (Андоза)	Вилямс (Она)	Лесная красавица (Ота)	Мафтуна (Дурагай)
Пишиш муддати	Август	Август (Кеч кузги)	Июл (Ёзги)	Август охири (Кузги)
Мева вазни	150	140 г	125 г	200 г

Бир типдаги ҳосил	25,6	27,7	45,6	50
Ҳосилдорлик, ц/га	128,3	138,9	228,3	250,0
Транспортабеллиги	Паст	Ўртача	Паст	Юқори

Хулоса ва тавсиялар

Ўтказилган тадқиқотлардан келиб чиқиб хулоса қилинганда:

1. Пишиш муддатининг оптималлиги: Янги яратилган «Мафтуна» нок дурагайи август ойининг охирида пишиб етилиб, кузги навлар гуруҳига кириши аниқланди. Бу кўрсаткич бозорда сифатли ва янги узилган мева тақчиллиги кузатиладиган даврни муваффақиятли тўлдириш имконини беради ва навнинг тижорат жозибадорлигини оширади.

2. Юқори товар хусусияти ва йириклик: «Мафтуна» нави ўзининг йирик мевалилиги (200 г) ва бир типдаги юқори ҳосилдорлиги (50 бирлик) билан назорат ва ота-она шаклларида тубдан устун туриб, барқарор ва бир текис ҳосил бериш хусусиятига эга эканлиги тасдиқланди.

3. Юқори ялпи ҳосилдорлик: Умумий ялпи ҳосилдорлик бўйича янги дурагайдан гектарида 250 центнер маҳсулот олинди. Бу кўрсаткич андоза нав («Любимица Клаппа», 128,3 ц/га) ва оналик шаклига («Вильямс», 138,9 ц/га) нисбатан деярли икки баробар кўп иқтисодий самарадорлик беради.

4. Юқори транспортбоплик: «Мафтуна» навининг мевалари транспортда ташишга юқори чидамлилик хусусиятига эга. Бу маҳсулотни нобудгарчиликсиз узоқ масофадаги ички ва ташқи бозорларга (экспортга) етказиб бериш ҳамда сотиш географиясини кенгайтириш учун катта истиқбол яратади.

Ушбу натижалар янги нок боғларини барпо этишда навларни тўғри жойлаштириш ва интенсив боғдорчиликда истиқболли селекция намуналаридан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мевасабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Президент Фармони. – Тошкент, 2018 йил 29 март.
2. Останакулов Т.Э., Нарзиева С., Ғуломов Б.Х. “Мевачилик асослари”. С., 2011. – б. 152-155 б.
3. Рибакков А.А., Остроухова С.А. «Ўзбекистон мевачилиги». Т., «Ўқитувчи», 1981. – б. 4-100.
4. Ражаметов Ш., Аббасов Ш. «Замонавий интенсив нок боғларини яратиш ва парваришlash технологияси». Тош- 74 100 китоб тўплами кент: “Baktria press”, 2018. – б. 11-80
5. Бўриев Х. Ч, Байметов К.И. Жўраев Р.Ж. Мева экинлари селекцияси ва навшунослиги. Тошкент: Меҳнат, 2010. 55-76 б.
6. Мирзаев М.М, Собиров М. “Боғдорчилик”. Тошкент: “Меҳнат” 1987. 67 б
7. Памология Узбекистана (яблония, груша). Под обший редакции М.М Мирзаева. – Т.: Узбекистан, 1983. – С. 13-93